

V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ¹⁾

Фойда. Ҳисобот маълумотларига кўра, 2020 йилнинг январь-май ойлари учун корхона ва ташкилотлар томонидан 2111,8 млрд. сўм миқдорда якуний молиявий натижада олинди. 2019 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 73,3 млрд. сўмга кўпайган.

2020 йилнинг январь-май ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича йирик тижорат ташкилотларининг якуний молиявий натижалари

	Фойда, зарар (-), млрд. сўм	2019 йилнинг январь-майга нисбатан, % да
Жами	2111,8	96,5
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	440,6	3,1
Ишлаб чиқарадиган саноат	869,7	103,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	-31,3	-
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиши ва утилизация қилиш	-11,6	-
Курилиш	112,9	112,4
Савдо	378,4	86,2
Ташиш ва сақлаш	-306,4	-
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	-10,5	-
Ахборот ва алоқа	438,8	76,0
Молиявий ва суғурта фаолияти	80,0	106,3
Кўчмас мулк билан операциялар	8,5	13,2
Профессионал, илмий ва техник фаолият	9,4	9,6
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	28,7	52,7
Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот	113,4	123,4
Соғликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	20,5	69,1
Таълим	10,9	43,2
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	-42,9	-
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	2,7	-

Иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлилий маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, йирик ташкилотларда кўрилган фойданинг асосий қисмини ишлаб чиқарадиган саноат йўналишидаги ташкилотлар ташкил этмоқда.

**Тошкент шаҳрида йирик тижорат ташкилотларининг
2020 йил январь-май ойларида ҳудудлар кесимида
якуний молиявий натижалари**

	<i>Фойда, зарар (-), млрд. сўм</i>	<i>2019 йилнинг январь-майга нисбатан, % да</i>
Тошкент ш.	2111,8	96,5
<i>туманлар:</i>		
Бектемир	141,5	3,6
Мирзо Улуғбек	-29,1	-
Миробод	1037,3	113,5
Олмазор	97,6	82,5
Сергели	56,0	13,0
Учтепа	31,4	38,5
Чилонзор	61,8	27,6
Шайхонтохур	-84,1	-
Юнусобод	489,4	95,5
Яккасарой	-270,1	-
Яшнобод	580,1	3,6

Тошкент шаҳрининг йирик тижорат ташкилотлари бўйича – 2111,8 млрд. сўм, туманлар кесимида фойданинг асосий қисми Миробод – 1037,3 млрд. сўм (жами фойданинг 49,1 %), Яшнобод – 580,1 млрд. сўм (жами фойданинг 27,4 %), Юнусобод – 489,4 млрд. сўм (жами фойданинг 23,1 %) ва Бектемир – 141,5 млрд. сўм (6,7 %) туманларига тўғри келади.

2020 йилнинг январь-майда иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар суммаси</i>	
		<i>млн. сўм</i>	<i>жамига нисбатан, % да</i>
Жами	275	1539821,1	100
Ишлаб чиқарадиган саноат	24	154291,4	10,0
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	2	1429,4	0,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	2	217466,4	14,1
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	1	17243,9	1,1
Қурилиш	18	23045,5	1,5
Савдо	67	223838,7	14,5
Ташиш ва сақлаш	25	658586,4	42,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	43	20555,2	1,3
Ахборот ва алоқа	12	16303,0	1,1
Молиявий ва суғурта фаолияти	3	5373,9	0,3
Кўчмас мулк билан операциялар	11	16597,7	1,1
Профессионал, илмий ва техник фаолият	18	112291,9	7,3
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	10	8821,7	0,6
Давлат бошқаруви ва мудофаа, мажбурий ижтимоий таъминот	2	10233,6	0,7
Таълим	10	5363,1	0,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	12	2450,0	0,2
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	15	45929,3	3,0

**2020 йил январь-май ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича
зарар кўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)**



Зарарларнинг асосий қисми ташиш ва сақлаш – 658,6 млрд. сўм (жами зарарнинг 42,8 %), савдо -223,8 млрд. сўм (жами зарарнинг 14,5%), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 217,5 млрд. сўм (жами зарарнинг 14,1 %) фаолият турларини ташкил этади.

2020 йилнинг январь-май ойларида худудлар кесимида зарар кўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар кўрган корхоналарнинг улуши жамига нисбатан, % да</i>	<i>Зарар суммаси, млн. сўм</i>
Тошкент шаҳри	275	100	1539821,0
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	9	3,3	3943,9
Мирзо Улуғбек	23	8,4	102448,2
Миробод	34	12,4	82120,5
Олмазор	18	6,5	31913,0
Сергели	18	6,5	42343,4
Учтепа	11	4,0	15855,0
Чилонзор	29	10,5	253497,7
Шайхонтохур	33	12	288736,3
Юнусобод	45	16,4	62669,1
Яккасарой	35	12,7	598238,5
Яшнобод	20	7,3	58055,6

Тошкент шаҳрида йирик тижорат корхоналарида 2020 йил 1 июнъ ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби

	Жами, млрд. сўм	ундан:			Муддати ўтган қарздор- ликнинг улуши, % да
		<i>харидор ва буюртма- чилар</i>	<i>етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар</i>	<i>ички идора вий</i>	
Жами	348,2	295,6	8,2	13,8	0,7
Ишлаб чиқарадиган саноат	33,7	11,1	4,6	-	0,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	136,9	136,9	-	-	0,3
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиши ва утилизация қилиш	104,9	104,9	-	-	0,2
Курилиш	1,0	0,5	-	-	-
Савдо	16,7	7,6	0,6	-	-
Ташиб ва сақлаш	10,9	10,2	0,7	-	-
Кўчмас мулк билан операциялар	2,6	0,6	2,1	-	-
Профессионал, илмий ва техник фаолият	36,0	20,3	0,1	13,8	0,1
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	3,3	3,2	0,1	-	-
Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот	-	-	-	-	-
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	0,3	0,3	-	-	-
Молиявий ва сугурта фаолияти	1,9	-	-	-	-

Иқтисодиёт тармоқлари, туманларда ва идораларда муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича етарлича тизимли ишлар ташкиллаштирилмаганлиги натижасида, муддати ўтган дебитор қарздорликнинг юқори суръатда ўсиши сақланиб қолмокда.

2020 йил 1 июнь ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 67045,9 млрд. сўм, ундан муддати ўтган – 185,6 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 0,3 % ни ташкил этди.

**Тошкент шаҳрида йирик тижорат корхоналарида 2020 йил 1 июнь ҳолатига
иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор
қарздорликнинг таркиби**

	Жами, млрд. сўм	ундан:				Мудда ти ўтган қарз- дорлик- нинг улуши, % да
		етказиб берувчи лар ва пудрат чиларга	бюджетга тўлов- лар	давлат мақсадли фонд- ларига тўловлар	ички идора- вий	
Жами	185,6	55,1	-	-	0,1	0,3
Ишлаб чиқарадиган саноат	36,5	33,4	-	-	0,1	0,5
Савдо	77,2	6,3	-	-	-	0,9
Профессионал, илмий ва техник фаолият	65,7	10,2	-	-	-	1,0
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	0,2	0,2	-	-	-	0,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	3,4	3,3	-	-	-	1,8
Ташиб ва сақлаш	2,3	1,4	-	-	-	0,1
Курилиш	0,3	0,3	-	-	-	0,1

2020 йил 1 июнь ҳолатига иқтисодиёт тармоқлари, туманларда ва идораларда муддати ўтган кредиторлик қарздорлик, муддати ўтган дебиторлик қарздорликдан 143,0 % га юқорилигича қолмокда.

**VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР
ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ**
(фермер ва дехон хўжаликларисиз)


Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра рўйхатга олинган юридик шахслар сони 93,6 мингтани ташкил қилиб, шундан 89,1 мингтаси ёки 95,2 % фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (рўйхатга олинганларнинг умумий сонидан 26,5%), саноат (16,7%), курилиш (8,0%) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (7,2%) соҳаларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тақсимоти (2020 йил 1 июль ҳолатига кўра)

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	жамига нисбатан, фоизда	бирлик	жамига нисбатан фоизда
Жами	93626	100,0	89164	100,0
шу жумладан:				
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари	889	0,9	822	0,9
Саноат	15674	16,7	14956	16,8
Курилиш	7491	8,0	7177	8,1
Савдо	24797	26,5	23667	26,5
Ташиб ва сақлаш	3714	4,0	3581	4,0
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6697	7,2	6260	7,0
Ахборот ва алоқа	3751	4,0	3558	4,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1679	1,8	1629	1,8
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	28934	30,9	27514	30,9

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши, фоизда
(фермер ва дехкон хўжаликларисиз)**



Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг энг кўп миқдори 26,5% савдо соҳасида, 16,8 % саноат соҳасида, 8,1 % қурилиш соҳасида, 7,0 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 4,0 % ташиш ва сақлаш, 4,0 % ахборот ва алоқа, 1,8 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 0,9 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ва 30,9 % бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

2020 йил 1 июль ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган тижорат корхона ва ташкилотларнинг сони 84,1 мингта бўлиб, шундан масъулияти чекланган жамиятлар – 66,2 мингта, хусусий корхона – 13,4 мингта, оиласий корхона – 3,2 мингта, унитар корхона – 0,6 мингта, акциядорлик жамиятлар – 0,2 мингта ва 0,5 мингта бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

Ташкилий-хуқуқий шакллари таснифлагиши бўйича фаолият кўрсатаётган юридик шахсларнинг тақсимоти, бирликда



2020 йил январь–июль ойларида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг сони 7,2 мингтани ташкил этган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,9 мингтага камдир.

Жами янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг энг кўп қисми Чилонзор (927 та), Юнусобод (832 та), Учтепа (822 та), Мирзо Улуғбек (783 та), Шайхонтохур (728 та) Олмазор (717та) ва Яшнобод (592 та) туманлари хиссаларига тўғри келди. Аксинча, Миробод (549 та), Яккасарой (534 та), Сергели (523 та) ҳамда Бектемир (200 та) туманларида корхона ва ташкилотлар ташкил этиш кўрсаткичи паст даражани акс эттирган.

Корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва дәxқон хўжаликларисиз)

(бирликда)


	2020 йил 1 июль ҳолатига кўра рўйхатга олинганлар	2020 йил январь–июнь ойларида	
		янги ташкил тотганлар	тутгатилганлар

Тошкент шаҳар	93626	7207	457
----------------------	--------------	-------------	------------

туманлар:

Бектемир	2234	200	7
Мирзо Улугбек	10375	783	34
Миробод	8090	549	88
Олмазор	9598	717	44
Сергели	5705	523	13
Учтепа	8684	822	18
Чилонзор	11979	927	86
Шайхонтоҳур	9220	728	23
Юнусобод	12347	832	39
Яккасарой	8164	534	35
Яшнобод	7230	592	70

Корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва дәржүеттік хұйжыларлар) бирлікдә



**2020 йил январь–июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича
янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг сони, бирликда
(фермер ва дехқон хўжаликлариси)**




Кичик корхона ва микрофирмалар сони

2020 йил 1 июль ҳолатига кўра Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларнинг сони 78,9 мингдан зиёдни ташкил этган (фермер ва дехқон хўжаликларисиз). Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,7 % га ошган.


Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми 10146 бирлик Чилонзор, 10102 бирлик Юнусобод, 8699 бирлик Мирзо Улугбек, 8553 бирлик Олмазор, 7588 бирлик Учтепа, 7437 бирлик Шайхонтоҳур ҳамда 7098 бирлик Яккасарой туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Фаолият кўрсатаётганларнинг энг кам қисми эса 6482 бирлик Миробод, 5906 бирлик Яшнобод, 4964 бирлик Сергели ҳамда 1968 бирлик Бектемир туманлари ҳиссаларига тўғри келади

**Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг туманлар
кесимида улуши (фоизда)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган жами 78943 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 23414 бирлиги (29,7 %) – савдода, 14786 бирлиги (18,7 %) – саноатда, 7095 бирлиги (9,0 %) – қурилишда, 6145 бирлиги (7,8 %) – яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 3498 бирлиги (4,4 %) – ташиб ва сақлашда, 3464 бирлиги (4,4 %) – ахборот ва алоқа соҳасида, 1367 бирлиги (1,7 %) – соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 807 бирлиги (1,0 %) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида, шунингдек 18367 бирлиги (23,3 %) – бошқа фаолият турлари хиссаларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуси, фоизда



Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кам улуш эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари турларига тўғри келади.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони

2020 йил 1 июль ҳолатига кўра хорижий капитал иштирокидаги рўйхатга олинган корхона сони 6788 бирликни ташкил этди. Ўтган йилга нисбатан фаолият кўрсатаётган корхонанинг сони 1071 тага ёки 19,7 % га ўсган. Хорижий капитал иштирокидаги рўйхатга олинган корхонадан 2715 таси қўшма корхона, 3783 таси эса хорижий корхона ҳисобланади.

**Хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг ўсиш динамикаси, бирликда**



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий капитал иштирокидаги
фаолият кўрсатаётган корхоналар сони, бирликда**



2020 йилнинг январь–июнь ойларининг якуни бўйича хорижий капитал иштирокидаги 544 та корхона янги ташкил қилинди. Корхонанинг сони ўтган йилга нисбатан 382 тага кам. Бунда, Россия федерацияси резидентларининг капитали иштирокидаги корхона сони – 112 тани, Туркия Республикаси – 92 тани, Хитой Халқ Республикаси – 64 тани, Қозоғистон Республикаси – 62 тани ҳамда Корея Республикаси – 40 тани ташкил қилди. Шунингдек, 2020 йилда Афғонистон Ислом Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари ҳамкорлик қилишга қизиқиш билдирилар.

Хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил топган корхоналарнинг давлатлар кесимидағи сони, бирликда




Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхонанинг асосий қисми савдо ва саноат фаолият турига тўғри келади, энг кам улуш эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари фаолият турига тўғри келади.

Оилавий корхоналар сони

2020 йил 1 июль ҳолатига кўра юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 3232 бирликни ташкил этди, улардан 3022 бирлик ёки 93,5 % фаолият юритмоқда.

Оилавий корхоналар сони, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг сони кўрилганда оилавий корхоналарнинг 38,7 % ёки 1170 таси саноат, 21,8 % ёки 658 таси савдо, 18,1% ёки 547 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 2,5 % ёки 76 таси қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжаликлари, 1,7 % ёки 51 таси ахборот ва алоқа, 1,6 % ёки 49 таси қурилиш, 1,2 % ёки 35 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1,0 % ёки 32 таси ташиш ва сақлаш ҳамда 13,4 % ёки 404 таси бошқа фаолият турлари хиссаларига тўғри келмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган оиласи корхоналарнинг улуши, фоизда



2020 йил 1 июль ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган оиласи корхоналарнинг сонини кўрилганда энг катта сони саноат ва савдода, энг кичик сони эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ташиш ва сақлаш хизматлари соҳасига тўғри келади.